

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11501973>

## ЎЗБЕКИСТОН УРУШ ЙИЛЛАРИДА ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

**Кенджаев Якуб Юсупович**

Осиё Технологиялари Университети

“Ижтимоий фанлар ва рақамли технология” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада муаллиф мавжуд илмий-тарихий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида 1941 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон халқ хўжалигининг фашизмга қарши урушга тўлиқ сафарбар этилиши, ўзбек халқининг фидокорлиги масалаларини ёритиб берган.

**Таянч сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, мамлакат иқтисодиёти, фронт орти, нон тақчиллиги, темир йўллар, ишчи ва хизматчилар, машина трактор станциялари.

**Аннотация:** В данной статье на основе имеющейся научно-исторической литературы и архивных данных во второй половине 1941 года народное хозяйство Узбекистана было полностью мобилизовано на войну с фашизмом, а вопросы самопожертвования узбекского народа были затронуты. выделено.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, экономика страны, тыл фронта, нехватка хлеба, железные дороги, рабочие и служащие, машинно-тракторные станции.

**Annotation.** In this article, on the basis of available scientific-historical literature and archival data, in the second half of 1941, the national economy of Uzbekistan was fully mobilized for the war against fascism, and the issues of self-sacrifice of the Uzbek people were highlighted.

**Key words:** The Second World War, the country's economy, the rear of the front, the shortage of bread, railways, workers and servants, machine tractor stations.

1941 йил 30 июнда қабул қилинган “1941 йил учинчи чорагида халқ хўжалини умумий сафарбар этиш режаси”да асосан мамлакатда тинч даврга қарананда қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришни 26 фоизга ошириш белгилаб берилди. Темир йўлларда ҳарбий юклар, кўмир, ёқилғи, металллар ва ғалладан ташқари бошқа юкларни ташиш ҳажми қисқартирилди. Режада бошқа чора-тадбирлар ҳам

белгиланган бўлиб, бироқ кейинги воқеалар ривожини кўрилган тадбирларнинг етарли эмаслигини кўрсатиб қўйди. Ҳарбий саноат иқтисодийнинг бошқа тармоқларига тегишли корхоналар эвазига кучайтирилди. Тинч пайтда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарган корхоналар турли ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Вазият шу даражага бориб етдики, масалан, 1942 йил январ ойи учун аҳолига озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш баъзи соҳаларда қарийиб тенг ярмига қисқариб кетди.

1941 йил 26 июнда бошлаб мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 12 соатгача узайтирилди. Ҳақиқатда эса 12-14 соатга қадар давом этар эди. Меҳнат таътилига чиқишлар бекор қилинди. Бу ҳол ишчи-хизматчилар сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажминини тахминан 35 фоизга оширишга имкон берган эди. Эркаклар фронтга кетиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналарига аёллар оқими кўпайди. Масалан, 1941 йилнинг иккинчи ярмида Наманган вилоятидаги корхоналарда 230 нафар аёл турли касбларни ўрганиб, улардан 28 нафари слесар, 18 нафари токар, 18 нафари электромантёр, 25 нафари шофёр ва бошқа “эркаклар касби”ни ўзлаштирдилар. Алоқа йўллари халқ комиссариятининг 1941 йил октябрдаги “Хотин-қизлар орасида темир йўл мутахассисларини тайёрлаш ва меҳнат кўникмаларини ошириш тўғрисида”ги фармойиши ижроси сифатида 1942 йил охирига келиб Ўзбекистон темир йўлларида 8 599 нафар аёл ишлаган. Биргина Самарқанд темир йўл станциялари ва агрегатларида 1942 йил бошларида 127 нафар хотин қиз хизмат қилиб, шулардан 20 таси слесар, 10 таси машинист ёрдамчиси, 3 таси поезд ўт ёқувчиси (кочегар) вазифасини бажарган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ҳатто шахтёрлик касбига ҳам аёллар жалб қилинди. Ишчиларда етарли малака ва техниканинг етишмаслиги сабабли ҳамма корхоналар ҳам ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни эплай олмаганлар. Масалан, СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 30 та корхонасидан 21 таси умуман керакли асбоб-ускунага эга эмасди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1941 йил 25 августда қабул қилган махсус қарори асосида халқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишига раҳбарлик қилиш учун республика ҳукумат комиссияси тузилди. Бу комиссия республика саноатини ҳарбий изга солиш масалалари билан шуғулланди. Натижада урушгача тинч мақсадлар учун ишлаётган саноат корхоналари қисқа муддат ичида ҳарбий техника, қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантирилди. Ўзбекистонда 1941 йилнинг охирига келиб 300 та завод ва фабрика Қизил Армия учун қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлаб чиқара бошлади. Биринчи навбатда турган масала мудофаа саноати

корхоналари учун зарур бўлган ёқилғи, электр қуввати ва металл билан таъминлашдан иборат бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1941 йил 5-7 декабрда бўлиб ўтган V Пленумида республика халқ хўжалигини беш ой ичида ҳарбий изга солиш соҳасидаги ишларга яқун ясалганини такидлаб ўтилди ҳамда халқ хўжалигида 1942 йилга мўлжалланган ишларнинг ташкилий томонларини кўриб чиқилди. 1941 йил 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди. Манбаларда қайд этилишича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссариатларига кўнгиллилардан 14 мингдан ортиқ ариза тушган.

1942 йилнинг охирида Ўзбекистон мудофаа фондига 390 848 000 сўм нақд пул, аҳолидан тўпланган 5 573 000 сўмлик қимматли тошларни топширди. Булар орасида олтин ва қумуш тақинчоқар ҳам бор эди. 1944 йилда Ўзбекистон мудофаа фондига 18308758 сўм нақд пул, 311234 кийим-бош, 777478 пойафзал, 5112 бош йирик шоҳли чорва ҳайвонлари, 18322 бош қўй ва эчки, 1560615 кг ғалла, 461917 кг сабзавот ва бошқа маҳсулотларни етказиб берди.

Ўзбекистонда янги темир йўллар қурилиши жадал олиб борилди, 1941-1945 йилларда темирйўл линиялари 2 баравар узайди. Тошкент-“Ангрен-угол”, Бойсун – Откулоқ – Турангли – Тошкент товар станцияси темир йўллари қурилиб ишга туширилди. Ишчи ва хизматчиларга кунига 400-500 граммдан, оила аъзоларига эса 300 граммдан нон бериш белгиланди [10:32]. Амалда эса аҳоли белгиланган меъёрлардан ҳам кам нон оларди. Гўшт, ёғ, балиқ, макарон, ёрмалар ҳам меъёрланган тартибда тақсимланар, кўп ҳолларда карточкада кўрсатилган миқдорда берилмасди. уруш даврида СССРнинг урушдаги ҳарбий таъминоти 1942 йилдан бошлаб юқори даражага кўтарилди. Бунда асосий юк кўпроқ Иттифоқнинг Шарқий минтақалар Волга, Урал, Сибир ва Ўрта Осиё ҳудудлари, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам зиммасига тушди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Возиесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва: Госполитиздат, 1948. – С. 37.
2. Ўз МА, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 3260-иш. 358-359-варақлар.
3. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том 1. – С. 128.
4. История Самарканда. –Ташкент: Фан, 1970. Том 2. – С. 25.
5. Верт А. России в войне 1941-1945. Авторизованный перевод с английского. – Москва: Воениздат, 1967. – С. 149.
6. Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1964. – Б. 365-366.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 436.
8. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида. –Тшкент: Мухаррир, 2011. – Б. 27.
9. ЎЗР ПДАА, 58-фонд, 18-рўйхат, 177-иш, 104-106-варақлар.
10. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб: 1939-1991 йиллар. –Тошкет: O‘zbekiston, 2019. – Б. 32.